

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил апрель ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Б.Н.Абдуназаров, судья ёрдамчиси А.Рахмановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошлоқ туман прокурори ёрдамчиси Қ.Темиров, судланувчи А.Худоёров ва унинг ҳимоячиси-адвокат З.Охунова, жабрланувчи Л.Солиевнинг иштирокида,

Худоёров Алижон Назирович (Xudoyorov Alijon Nazirovich), 1981 йил 24 май куни Ёзёвон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошлоқ тумани, Бўстон МФЙ, Янгигулистон кўчаси, 192-уйда яшайди, иш бўйича шахсий кафилик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 9 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 1-қисми билан айбланаётганга оид 1-1517-2501/104-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, кўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, А.Худоёров 2025 йил 29 январь куни соат 18:00 ларда Тошлоқ тумани, Бўстон МФЙ, Янгигулистон кўчасида Л.Солиев билан ўрталарида юзага келган келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, жанжал давомида қўли билан Л.Солиевни юзи ва танасининг турли жойларига қасддан уриб, енгил тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 4 февралдаги 231-сонли хулосасида, Л.Солиевда ёпиқ калла мия шикасти, бош мия чайқалиши, бурун суягини ёпиқ силжимаган синиши, бошини энса соҳасини, тепа соҳаларини йиртилган яралари, иккала кўзлар қовоқлари соҳаларини, бурун соҳаларини, танасининг орқа бел, кўкрак умуртқалар соҳаларини қонталашлари, юқори, пастки лаблари ички шиллик қаватларига травматик кон қуйилишлари, юқори пастки лаблари ташқи соҳаларини, чап қўл кафти усти соҳаларини юмшоқ тўқималарини лат ейишлари аниқланиб, ушбу тан жароҳатларн 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиқни бузилишига олиб келган енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

А.Худоёров ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Л.Солиевга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан



кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказилишига сабабчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Судланувчи А.Худоёров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда у билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Л.Солиев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, А.Худоёровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 109-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи Л.Солиев ва судланувчи А.Худоёровнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, А.Худоёровнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, А.Худоёровга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Л.Солиевга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Худоёров Алижон Назирович (Xudoyorov Alijon Nazirovich) жиноят иши бўйича тарафлар билан ярашгани сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан



жинойй жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Худоёров Алижон Назировичга қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Л.Солиевга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Н.Абдуназаров

Маъсул судья: Абдуназаров Бехзоджон Нематжонович

